

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.22/01.02.2022.Т.144.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХИТДИНОВ ОТАБЕК ОДИЛ ЎҒЛИ**

**МОТОР МОЙЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ МИКРОБЛАРГА  
ҚАРШИ ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ ЕНГИЛ  
АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ  
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in technical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Мухитдинов Отабек Одил ўғли**

Мотор мойларининг хусусиятларини микробларга қарши қўшимчалар билан яхшилаш орқали енгил автомобилларнинг ички ёнув двигателларининг ишончилигини ошириш ..... 3

**Mukhitdinov Otabek Odil o'g'li**

Improving the reliability of internal combustion engines of passenger cars by improving the properties of motor oils with antimicrobial additives ..... 25

**Мухитдинов Отабек Одил угли**

Повышение надёжности ДВС легковых автомобилей путем улучшения свойств моторных масел антимикробными присадками ..... 45

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works ..... 48

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.22/01.02.2022.Т.144.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХИТДИНОВ ОТАБЕК ОДИЛ ЎҒЛИ**

**МОТОР МОЙЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ МИКРОБЛАРГА  
ҚАРШИ ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ ЕНГИЛ  
АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ  
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2022.2.PhD/Т2002 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.polito.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тошпўлатов Марвар Мукадырович,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийси, техника фанлари номзоди,  
профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шарипов Конгратбай Авезимбетович**  
Техника фанлари доктори, профессор  
**Мўминжонов Ниғмат Мухимович**  
Техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги PhD.22/01.02.2022.Т.144.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси 17-уй. Тел./факс: (998-71)-246-50-92, e-mail: info@polito.uz).

Диссертацияси билан Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28697-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси 17-уй. Тел./факс: (998-71)-246-50-32, e-mail: irc@polito.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.Ш.Иноятходжаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Т.Р.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, PhD, доцент.

**К.А.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктор (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кунига тахминан 100 миллион баррел (15 900 000 литр) нефть истеъмол қилинади. Асосий энергия манбаи бўлган нефть бугунги кунгача ёнилғи-энергетика балансида етакчи ўрин эгаллайди ва энг йирик капиталистик монополиялар ўртасидаги кескин рақобат курашининг предмети, кўплаб халқаро низоларнинг сабаби ҳисобланади. Углеводородли ёқилғи-энергетик ресурсларни тежаш, улардан оқилона фойдаланиш, ресурсини оширадиган технология ва ускуналарини ишлаб чиқиш кўплаб давлатлар учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан Германия, Италия, АҚШ, Франция, Япония ва Россия ва бошқа давлатларда ички ёнув двигателларга эксплуатацион шароитларда ишончилигини ва ресурсини ошириш, уларда фойдаланиладиган ёнилғи-мой маҳсулотларини сифатини яхшилаш орқали оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ички-ёнув двигателларида фойдаланиладиган мотор мойлари турлари устида, уларнинг физикавий ва кимёвий хусусиятларини яхшилаш, эксплуатацион хоссаларини сақлаб қолиш, қайта тозалаш жараёнларини амалга оширадиган ресурс тежамкор технологиялар ва қурилмаларини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ишлатиладиган мойларга турли хил қўшимчалар (присадка), қўшиш орқали, уларни асосий хоссаларини консервация қилиш, двигателларнинг ишқаланиш жуфтликлари юзаларини едирилишини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш. Шу билан бирга, иссиқ иқлим шароитларида эксплуатация қилинадиган ички ёнув двигателларини ишончилигини ошириш, биологик зарарланишини олдини олиш, микроорганизмларга қарши мотор мойларига қўшимчалар қўшиш орқали уларнинг сифатини яхшилаш, долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда иссиқ иқлим шароитларида эксплуатация қилинадиган энгил автомобилларнинг ички ёнув двигателларини ишончилигини ва ва самарадорлигини оширишда мотор мойларини сифатини таъминлаш учун ёрдам берадиган янги қўшимчалар яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига нефть-газ маҳсулотларини узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш” ва “Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, автомобиль ишлаб чиқариш соҳаларига таъсирини ўрганиш”<sup>2</sup> бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга

<sup>1</sup> Сколько нефти мир использовал и сколько осталось: <https://nangs.org/news/world/skolyko-nefti-mir-ispolzoval-i-skolyko-ostalosu>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

оширишда, хусусан, енгил автомобилларнинг ички ёнув двигателларининг ишончилигини таъминловчи, янги мотор мойларининг хусусиятларини сақлаб қолувчи, био-зарарланишга қарши кўшимчалар кўшиш ҳисобига юқори сифатли мой олиш усулларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1-июндаги «2017-2021 йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 3028-ПҚ сонли ҳамда 2018 йил 20-октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup> ги ПҚ-841-сонли Қарорлари, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам кўзда тутилган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тажрибасида микроорганизмларнинг ёнилғи-мой маҳсулотларига таъсирини ўрганишнинг турли усуллари ишлаб чиқилган. Япон тадқиқотчиси М. Мийоси (1895 й.), Рус муҳандиси А. Шейко (1901 й.), олимлар Н. Зонген ва Х. Казерер (1906 й.), проф. Л.К.Осницкая, Л.Пастер, С.Виноградский, К.Дженнер, Р.Кох, М.Бейеринк, С.Н.Литвиненко ва А.А.Герасименко машиналарнинг биозарарланишдан ҳимоясини ўрганганлар. И.Т. Нетте, Н.Н. Гречушкина ва бошқалар ЁММни ўзлаштирувчи культураларни ажратиш ва идентификациялаш бўйича тадқиқотлар ўтказганлар. R.W.Stone, M.Fenske ва A.White ўз тадқиқотларида микроорганизмлар учун углеводород манбаи сифатида мотор мойларининг турли фракцияларини қўллаганлар. L. Bushneil ва Н. Haas нефть маҳсулотлари, айниқса мойлаш мойларидан фойдаланадиган Pseudomonas, Corynebacterium бактерияларнинг ҳар хил турларини ажратиб олганлар. Э.Бирштехер, С.Е.Zobell ва бошқалар тажрибаларда олинган маълумотлар асосида нефть углеводородлари бузилишининг бир қатор қонуниятларини аниқлаганлар.

Юртимизда транспорт воситаларида ЁММ нинг ишлатиш ва физик-кимёвий хоссалари ўзгаришининг сабабларини тадқиқ этиш, ички ёнув двигателларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича бир қатор олимлар томонидан илмий – тадқиқод ишлари олиб борилган. Жумладан, академиклар О.В.Лебедев, С.С.Негматов ва С.М.Қодиров, ҳамда профессорлар У.А.Икрамов, Қ.А.Шарипов, М.М.Тошпўлатов ва бошқалар шуғулланган.

Мавжуд ишлар тахлилига кўра, шуни таъкидлаш керакки ички ёнув

---

<sup>3</sup> On measures to further improve management and accelerate the development of the automotive industry for 2017-2021" No. PF-4947 dated February 7, 2017

двигателлари мойларини микроорганизмлари таъсири остида зарарлашиши ҳисобга олинмаган. Микробларга қарши қўшимчаларнинг мотор мойлари билан бир-бирига мос келиши синалмаган. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитларида автомобилларни ёз даврида ишлатишда микробларга қарши қўшимчаларнинг мойларнинг сифат кўрсаткичларига таъсири тўлиқ аниқланмаган, бу уларни объектив тадқиқ этиш ҳажмининг, айниқса уларни амалий қўлланиш имконияти тўғрисида хулоса шакллантириш учун етарли эмаслигидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 574055-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2-SBHE-JP “RENES” лойиҳаси доирасида (2018-2019), 609821-EPP-1-2019-1-IT-EPPKA2-SBHE-JP “MUSAE” лойиҳаси доирасида (2019-2020), 610170-EPP-1-2019-1-ES-EPPKA2-SBHE-JP “ELBA” лойиҳаси доирасида (2020-2021) бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ички ёнув двигатели деталларининг ишончлигини ошириш учун микробларга қарши қўшимчаларни танлаш йўли билан мойларнинг физик-кимёвий ва ишлатиш хоссаларини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мотор мойларида ривожланадиган микроорганизмларнинг турларини ўрганиш, ички ёнув двигателларини бевосита иссиқ иқлим шароитларида ишлатишда мотор мойларининг асосий физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссалари ўзгаришини ўрганиш;

микроорганизмлар культураларининг ҳар хил турлари таъсирида мотор мойларининг ишлатиш хоссалари ўзгаришини аниқлаш;

микробларга қарши мавжуд бирикмаларни ўрганиш ва иссиқ иқлим шароитларида ишлатиладиган мотор мойларини микробиологик зарарланишдан ҳимоялаш учун улар орасидан энг самаралиларини танлаб олиш. Автомобилларни иссиқ шароитларда ишлатишда мотор мойлари таркибидаги қўшимчаларнинг микробларга қарши таъсирининг барқарорлигини экспериментлар йўли билан тадқиқ этиш;

ИЁДларини ишлатишда микробларга қарши қўшимчали мотор мойлари хоссаларининг ўзгаришлари ва яхшиланишларини ўрганиш услубиятини ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижаларини қўлланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва тегишли иқтисодий самарадорликни баҳолаш;

тадқиқотлар асосида мотор мойлари таркиби ўрганиш учун қурилма ишлаб чиқиш ва ихтирога патент олиш учун патент идорасига мурожаат юбориш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Марказий Осиёнинг иссиқ иқлим шароитларида ишлатиладиган енгил автомобилнинг (M1 тоифали) ички ёнув

двигатели олинган.

**Тадқиқот предмети.** Мотор мойларининг эксплуатация жараёнида биологик зарарланишини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот жараёнида назарий механика, математик таҳлил ва математик статистика, қиёсий таққослаш, умумлаштириш, енгил автомобилларини экспериментал синаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Енгил автомобил ИЁДларининг бевосита иссиқ иқлим шароитида ишлашида мотор мойларининг асосий физик-кимёвий ва ишлатиш хоссаларига микроорганизмларнинг таъсири остида зарарланиши асосланган;

мойларда эксплуатация шароитларида уларнинг микроорганизмларга бардошлилигини таъминлайдиган микробларга қарши қўшимчаларнинг самарали концентрацияси аниқланган;

микробларга қарши қўшимчаларнинг мотор мойлари хоссалари тавсифларининг параметрларига таъсир механизми белгиланди ва мойларнинг физик-кимёвий ва ишлатиш хоссаларининг мақбул параметрларини таъминлайдиган концентрация диапазонлари аниқланган;

Мотор мойи ва филтрларга микроорганизмларнинг таъсир механизми ҳисобга олинган ҳолда алмаштириш муддатлари учун тавсиялар асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ички ёнув двигателлари иссиқ иқлим шароитида фойдаланилганда мотор мойларининг физик-кимёвий хусусиятларини яхшилаш учун микробларга қарши қўшимчалар қўшиш таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган тавсияларни апробацияси асосида мотор мойларида микробларга қарши қўшимчалардан фойдаланиш енгил автомобил эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаши ва ёзди фойдаланиш шароитида унинг муаммосиз ишлаши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги математик статистика усуллари; назарий натижаларнинг экспериментал тадқиқотларнинг маълумотларига мувофиқлиги; олинган таҳлилий натижаларнинг лаборатория ва ишлатиш синовлари маълумотлари билан бир хиллиги; фойдаланилган қўшимчаларни синашнинг ижобий натижалари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти микробларга қарши қўшимчалар қўшилганида мотор мойларининг ишлатиш кўрсаткичларини сезиларли барқарорлаштириш имкониятини таъминлаш натижасида химмотология назариясини ривожлантиришдан иборат. Ўтказилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса шундан иборатки, микробларга қарши қўшимчалар қўшилган мотор мойларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди, бу эса ишлатишнинг ёзги шароитларида автомобилларнинг ишлатиш кўрсаткичларини яхшилаш имконини беради.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мотор мойларининг хусусиятларини микробларга қарши қўшимчалар билан яхшилаш орқали энгил автомобилларнинг ички ёнув двигателларининг ишончилигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мотор мойларидаги микроорганизмларга қарши қўшимчаларни қўллаш Андижон вилоятидаги “Андижон Автотеххизмат” МЧЖ да жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2021 йил 07-декабрдаги № 09/06-25-2234-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида назорат остига олинган энгил автомобилларнинг мотор мойи ресурси, юриш масофаси 7-8 минг кмдан 12 минг кмгача ошириш имконини берган;

микробларга қарши қўшимчаларни ёнилғи-мой маҳсулотларида қўлланилиши «Уз-Донг Янг Ко» МЧЖ Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида жорий этилган. (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2021 йил 07-декабрдаги № 09/06-25-2234-сонли маълумотномаси). Натижада заводнинг гидравлик термопласт автоматлари иш ресурсларини 10-15% гача ва гидравлик мойларнинг хизмат муддатини 5-7% гача, шунингдек техник хизмат кўрсатиш ҳажмини қисқартириш, мой ва бошқа элементлар тежалишини 6-7% гача ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуи бўйича жами 11 та илмий иш, шу жумладан ЎзР Олий Аттестация Комиссиясини диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилишга тавсия этган нашрларида 6 та илмий иш, жумладан 2 та иш маҳаллий журналларда ва 4 та иш хорижий журналларда эълон қилинган, 5 томлик монография рус, инглиз ва ўзбек (кирилл ва лотин алифбосида) тилларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби: кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация инглиз тилида ёзилган бўлиб, ҳажми 158 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ушбу тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва заруратини ва унинг тропик ва субтропик минтақаларнинг иссиқ иқлим шароитларидаги амалий аҳамиятини асослашга бағишланган. Ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган. Тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фани ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, назарий аҳамияти ва амалиётга жорий этилиши очиб берилган. Бундан ташқари, диссертациянинг умумий тузилиши бўйича маълумотлар ва диссертация тадқиқоти мавзуи бўйича чоп этилган ишлар

келтирилган.

Диссертациянинг «**Analysis of research on ensuring the performance of oil systems in internal combustion engines (ICE)**» деб номланган **биринчи боб**ида назарий ва амалий масалалар бўйича билимларнинг кенг тармоғигача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтган нефть микробиологияси соҳасининг нақадар кенг эканлигини кўрсатувчи ҳам ватанимиз, ҳам хориж адабиёт материаллари умумлаштирилган.

Микроорганизмларнинг табиатда мавжуд кўп сонли турларидан икки юздан ортиқ тури углеводородларни ўз модда алмашинувига киритиб, уларни оксидлаш қобилиятига эга. Микроорганизмларнинг ҳар хил турлари учун озикланишга эҳтиёжларнинг турличалиги, тузилишининг турли-туманлиги, шунингдек кўпайишнинг турли усуллари ҳамда атроф муҳитга тезда мослашиш, янги хом ашёга кўникиш хосдир.

Микроорганизмларнинг ривожланиши ва ҳаёт фаолияти ташқи муҳитнинг бир қатор омилларига боғлиқ. Атроф муҳитнинг температура-намлик режими бош омиллардан бири ҳисобланади. Микроорганизмлар атроф муҳит температурасига боғлиқ ҳолда бир-биридан кучли фарқ қилади. Улар учта гуруҳга бўлинади: термофиллар ёки иссиқсеварлар, психрофиллар ёки совуқсеварлар ва мақбул температураларда ўсувчилар, яъни мезофиллар.

Мойларнинг углеводородларини оксидловчи микроорганизмлар улардан энергия манбаи сифатида фойдаланиб, бир неча турларга бўлинади, улар ўртасида техник жиҳатдан бактериялар ва замбуруғлар энг катта аҳамиятга эга. Микроорганизмлар тез мослашувчанлиги туфайли каталитик жараёни чақирувчи янги ферментларни ишлаб чиқаради. Микробиологик зарарланиш жараёнларининг жадаллиги, шунингдек улар билан зарарланадиган нефть маҳсулотлари спектрининг кенглиги шу билан тушунтирилади.

Турли-туман нефть маҳсулотларини тадқиқ қилиш асосида уларнинг ҳам сақлаш ва ташиш вақтида, ҳам ишлатишда зарарланиши аниқланди.

Микробиологик зарарланиш натижасида мойларнинг асосий физик-кимёвий ва ишлатиш кўрсаткичлари улардан мақсадига кўра фойдаланиб бўлмайдиган даражагача ёмонлашади.

Микроорганизмлар мойларга таъсир қилганида уларнинг кинематик қовушоқлиги ва кислота сони, яъни углеводород таркибига бевосита боғлиқ бўлган ва микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган паст молекуляр кислоталар тўпланиши билан боғлиқ кўрсаткичлари энг сезиларли даражада ўзгаради.

Автомобиль двигателларини микроорганизмлар билан зарарланган мойда ишлатиш клапанлар, поршенлар ва бошқа деталларда жадал тарзда қурум қатламлари ҳосил бўлишига олиб келиши, бу эса двигатель бўғинлари ва механизмлари иш қобилияти ёмонлашиши ва ҳатто унинг тўла ишдан чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Биомассанинг микробли шиллиғи мойлаш материалларининг двигатель ишқаланувчи деталларига узатилишига тўсқинлик қилиб филтёрларга ва кичик кесимли коммуникацияларга текилиб

қолади. Зарарланиш оқибатида мойлар ўзининг мойлаш қобилиятини йўқотади, двигателлар ишқаланувчи жуфтларининг ишқаланиш юзаларида ҳосил бўладиган химоя плёнкалари бузилади, бу коррозияга ва жадал едирилишга олиб келади.

Тўпланган адабиётлар микроорганизмларнинг мойловчи мойлар билан узвий боғлиқлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради. Шунга қарамай, мотор мойларини ўрганиш бўйича ишлар деярли олиб борилмайди. Ҳолбуки, микробиологик таъсирга бардошли мотор мойлари жуда кам. Боб охирида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари берилган.

**“Theoretical investigations and studies of the influence of changes in the properties of engine oils on the ice oil system during operation”** деб номланган **иккинчи бобда** микроорганизмларнинг таъсири остида мотор мойлари хоссаларида юз берадиган ўзгаришларни тадқиқ қилиш ва ўрганиш ва уларнинг ишлатиш жараёнида ИЁД мой тизимига таъсирини ўрганиш мақсадида автомобиллар бевосита ишлаб турганда мой намуналарини танлаб олиш учун методика ишлаб чиқилди.

Мотор мойининг микроорганизмлар билан ўзаро таъсири: турли микроорганизмларнинг мотор мойи турига боғлиқ ҳолда ўзини қандай тутиши ўрганилади. Микроорганизмларнинг кўпайиши учун углеводород таркиби қандай аҳамиятга эгаллиги тадқиқ этилди. Мотор мойларининг қандай турлари микробиологик зарарланишга энг мойил эканлиги ўрганилди.

Нефть мойларининг катта миқдорларда бактериал парчаланиши таркибида нафтенли углеводородлар бўлган мойлар билан боғлиқлиги аниқланди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин бўлади, яъни таркибида нафтен-парафинли углеводородлар миқдори энг кўп бўлган мотор мойлари микробиологик зарарланишларга кўпроқ мойил бўлади. Микроорганизмлар ароматик углеводородларни камроқ даражада истеъмол қилади. Мойларда нафтен-парафинли углеводородларнинг фоиз миқдори пасайиши унинг ишлатиш хоссалари ўзгаришига олиб келади. Нафтен-парафин фракциялари мойларнинг мойлаш қобилиятини таъминлайди.

Биомасса таъсири остида ИЁД деталларининг биокоррозия жараёнлари ўрганилди. Чунки микроорганизмларнинг таъсири остида ички ёнув двигатели мой тизимининг деталлари (ишқаланиш жуфтлари) юзаларида биокоррозия деб аталадиган коррозия эмирилиш жараёни юз беради. Мойларнинг асосий хоссаларини ўрганиш учун мотор мойларининг параметрларини лаборатория шароитида баҳолаш усуллари танланди.

Ушбу диссертациянинг мойларнинг микробиологик зарарланиши методикасини танлашдан олдин нефть маҳсулотлари зарарланувчанлигини баҳолашнинг турли мамлакатларда қабул қилинган турли методикалари ва усуллари қиёсланди. МЭК-1954 Халқаро электр техника комиссиясининг халқаро Женева методикаси энг оқилона модификация ҳисобланади. Методиканинг мураккаб эмаслиги, бу ишларни энг оддий лаборатория

шароитларида ўтказиш имконини беради, сезгирлиги, натижаларнинг тез олиниши ва ишончилигининг юқори даражада бўлиши унинг устунлигидир.

Микроорганизмлар культураларининг таркибига келадиган бўлсак, ишланган мойларнинг намуналаридан культуралар ажратиб олинди, бу намуналарда қуйидаги турдаги замбуруғлар устунлик қилди: *Mucor*, *Penicillium*, *Aspergillus*, *Cladosporium*, *Alternaria*. Намуналарда йирик ачиткилар учради. Бактериялардан: *Micrococcus*, *Mycobacterium diplococcus* ва бошқалар.

Мотор мойининг физик-кимёвий ва ишлатиш хоссаларининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек янги талаб этиладиган сифатларни бериш учун уларга қўшимчалар деб аталадиган комплекс бирикмалардан иборат турли моддалар (қўшимчалар) қўшилади. Қўшимчаларга бир қатор талаблар қўйилади: улар энг юқори даражаларда самарали бўлиши; ички ёнув двигателларида материаллари хоссаларига, двигателларни таъминлаш ва мойлаш тизимларига таъсир қилмаслиги; инсон учун заҳарли бўлмаслиги зарур ва ҳоказо.

Учинчи боб “**Laboratory and experimental studies**” деб аталади ва у лаборатории ва экспериментал тадқиқотларга бағишланган. Машиналарни Марказий Осиё ҳавосининг юқори температуралари (35÷50 °С) шароитида ишлатишда мойлаш тизимларида ишлайдиган мотор мойларида микроорганизмлар ҳаёт фаолияти учун қулай шароитлар юзага келади, бу мойларнинг асосий ишлатиш хоссалари ёмонлашишига олиб келадиган оксидланиш жараёнига қулайлик яратади ва двигатель деталларининг тезкор едирилишига сабаб бўлади.

Адабиётлар шарҳининг ишончилигини ўрганиш мақсадида юқорида тавсифланган микроорганизмлар билан зарарланган мойларда микроорганизмлар ўсиши ва тўпланишининг лаборатория тадқиқотлари ўтказилди.

Ўрганиладиган объект сифатида қуйидаги турли маркадаги энг машҳур мотор мойларидан фойдаланилди (1-жадвал):

**1-жадвал.**

**Тадқиқотда фойдаланилган мотор мойлари маркалари**

№	Мотор мойлари	Қовушоқлик классификацияси
1	SAE 15W-40 (УзДСт 3061-2016)	15W-40
2	Lotos Semisynthetic	10W-40
3	Shell Helix HX7	10W-40
4	Total Quartz 7000	10W-40
5	GM Dexos2	5W-30
6	Castrol GTX Magnatec	5W-30
7	Mannol Classic	10W-40
8	Rosneft Maximum	10W-40

Тадқиқотлар олдида мотор мойларининг паспорт маълумотларига мувофиқлиги текширилди. Мойларда уларнинг хоссалари аниқланганидан сўнг паспорт маълумотларининг ҳақиқий маълумотларга мувофиқ эмаслиги ва улар ўртасидаги фарқ 10-15% ни ташкил этиши аниқланди.

Микроорганизмларнинг культуралари билан қаттиқ қиздирилган муҳитда Петри косачаларида ва суяқ муҳитда колбаларда доиравий тебраткичда доимий равишда текислаб ва аралаштириб туриб лаборатория тажрибалари ўтказилди. Микроорганизмларнинг барча культуралари тегишли методикага мувофиқ моделлаштирилган тропик шароитларда иссиқлик-намлик камерасида ҳавонинг нисбий намлиги 90-100% бўлган 35-38°C температурада тутиб турилди.

Микроорганизмларнинг культуралари ўсишини рағбатлантириш учун озика муҳитлари муайян қоидалар бўйича, яъни культуралар фақат углеводородлар ҳисобидан ривожланиши мумкин бўладиган қилиб тайёрланди. Ҳисоб-китоблар ҳар 4-8 суткада ўтказилди. Культураларнинг ўсмаётганлиги микроорганизмларнинг ушбу мойларни ўзлаштирмаётганлиги ҳақида фикр юритиш имконини беради. Культураларнинг ривожланиши сифат жиҳатдан беш балли шкала бўйича баҳоланди.

Экспериментал синовлар даврида методикага мувофиқ микробларга қарши қўшимча қўлланилиши билан мойнинг ишлатиш хоссалари сақланиши ва яхшиланишини, шунингдек двигателлар бевосита иссиқ иқлим шароитларида ишлаганда ривожланадиган микроорганизмларнинг ўсишига қўшимчаларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида мой намуналари танлаб олинди.

Мотор мойлари учун микробларга қарши қўшимчаларни излашда энг аввало бу мойларни иссиқ иқлим шароитларида ишлатишда зарарлайдиган микроорганизмлар доираси ўрганилди. Танланган микробларга қарши қўшимчаларнинг таъсирини текшириш бўйича ишлар методикаси МЭК-1954 га мувофиқ ўтказилди.

Шу тариқа, иссиқ шароитларда фойдаланишга мўлжалланган мотор мойларининг ишлатиш хоссаларини барқарорлаштириш ва яхшилаш учун қуйидаги микробларга қарши қўшимчалар: альфа-нафтохинон, дихлор-нафтохинон, орто-оксихинолин (8-оксихилолин) танлаб олинди.

Двигатель деталларининг мойда едирилиш жадаллигини аниқлаш спектраль таҳлил ёрдамида ГОСТ 20759-90 га мувофиқ ўтказилди. Мойлар хоссаларининг микроорганизмлар таъсирида ўзгаришларини ўрганишда бизнинг ихтиёримизда ГОСТ бўйича умумқабул қилинган физик-кимёвий усуллар бўлди. Барча маълумотларга статистик ишлов берилди. Мотор мойларининг физик-кимёвий ва ишлатиш кўрсаткичлари ўзгаришларининг характерини ўрганиш автомобиллар босиб ўтадиган йўлнинг ошиши билан ҳаёт фаолияти двигателларнинг иш қобилиятини ёмонлаштиришга сабаб бўладиган локли қатламлар (полимерлашган бирикмалар), қурумлар (карбонли бирикмалар) ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин бўлган микроорганизмлар миқдори ҳам ошишини кўрсатади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида машиналарни атроф муҳитнинг юқори температураси шароитларида ишлатишда микроорганизмлар билан зарарланган мойларда сув миқдори (15-20 % га), олтингугурт миқдори (7-8 марта), кул миқдори (6-7 марта), кинематик қовушқоқлиги (35-40% га) ва айниқса оксидланишга қарши турғунлиги (20-35 марта) каби муҳим параметлари сезиларли даражада ўзгариши аниқланди. Чунки бу параметрлар мойнинг углеводород таркибига бевосита боғлиқдир.

Мойнинг микробиологик зарарланишида унда углеводород таркибининг қайта тақсимланиши юз беради. Микроб хужайрасининг озикланиш типига энг мос озиқа сифатида парафин-нафтен гуруҳининг углеводородли бирикмалари биринчи навбатда ўзлаштирилади. Микроорганизмлар ароматик қатор углеводородларини камроқ даражада истеъмол қилади, шунинг ҳисобига уларнинг фоизи ёки ўзгармайди, ёки ошади. 2-жадвалда турли мотор мойларининг вақтга боғлиқ ҳолда зарарланувчанлик натижалари келтирилади.

**2-жадвал.**

**Мотор мойларининг микроорганизмлар билан вақт бўйича зарарланиш даражаси**

№	ММ маркаси	Сутка					
		4		8		14	
		Зарарланувчанлиги, балл					
		Н	1	Н	2	Н	3
1	SAE 10W-40	0	2.5	0	4.0	0	5.0
2	Lotos Semisvnthetic	0	1.0	0	3.5	0	4.0
3	Total Quartz 7000	0	0.5	0	2.5	0	4.5
4	Shell Helix HX7	0	1.0	0	1.5	0	3.5
5	GM Dexos2	0	2.0	0	3.5	0	4.5
6	Castrol GTX Magnatec	0	0.5	0	1.0	0	2.5
7	Mannol Classic	0	1.5	0	3.0	0	4.0
8	Rosneft Maximum	0	1.5	0	2.5	0	4.0

ИЗОҲ: Н – назорат, 1, 2, 3 – мой + микроорганизмлар

Мотор мойларининг биологик зарарланишга мойиллиги бўйича Shell ва Castrol мойлари энг бардошли бўлди. Автомобилларни йилнинг иссиқ вақтида ишлатишда микробларга қарши қўшимчаларсиз ва бундай қўшимчалари бўлган мотор мойларининг қовушқоқлиги ва кислоталиги ўзгаришининг экспериментал тадқиқотлари натижалари 3-жадвалда ва қовушқоқликнинг мотор мойи кислоталигига боғлиқлиги 1-расмда келтирилган.


**Кўшимчасиз ва таркибида микробларга қарши альфа-нафтахинон кўшимчаси (0,01 мас. %) бўлган баъзи мотор мойлари қовушоқлигининг автомобиль босиб ўтган йўлга боғлиқ ҳолда ўзгариши**

Автомобиль босиб ўтган йўл, минг км	SAE 10W-40		Lotos Semisynthetic		Total Quartz 7000		Shell Helix HX7	
	Кўшимчасиз				alpha-naphtaquinone			
	1	2	1	2	1	2	1	2
1	13.9	6.8	15.0	7.0	14.4	7.1	12.4	6.9
2	14.2	6.7	15.3	7.0	14.4	7.1	12.4	6.9
3	14.4	6.6	15.7	6.9	14.3	7.0	12.4	7.0
4	14.5	6.7	15.4	6.8	14.6	7.0	12.2	6.8
5	14.7	6.5	15.9	6.1	14.5	7.1	12.0	6.7
6	14.9	6.0	16.3	5,7	14.3	6.8	12.4	6.5
7	15.1	5.7	16.4	4.2	14.9	6.7	12.5	6.5
8	15.7	5.0	17.7	3.9	14.8	6.4	12.7	6.3
9	16.8	4.7	18.4	3.4	15.0	6.2	12.8	6.3
10	17.5	4.4	18.8	3.1	15.3	6.0	13.0	6.3
10Н	18.9	2.7	19.9	2.8	15.8	5.7	13.6	5.52
11					15.4	6.0	13.0	6.1
12					15.4	5.8	13.1	6.0

ИЗОҲ: Н – назорат, 1, 2, 3 – мой + микроорганизмлар.

Олинган натижалар мотор мойига 0,01 мас. % концентрацияда микробга қарши кўшимчалар (айниқса дихлор-нафтохинон) қўшилганда унинг микроорганизмлардан ҳимояланиш хоссалари ошишини, микробларга қарши кўшимчалар қўшилмаган мойда эса қовушоқлик ва кислота тавсифларининг тегишлича 13,9 дан 18,9 сСт гача ва 0,02 дан 3-3,54 мг КОН/г гача ўзгариши кузатилишини кўрсатади.

Фойдаланиладиган кўшимчалар мой билан яхши аралашади ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларига салбий таъсир қилмайди.




**1-расм. ММ қовушоқлигининг кислота сони ошишига боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги**

Спектрал таҳлил натижалари шундан далолат берадики, таркибида микробларга қарши қўшимчалар бўлган мойда ишлашда едирилиш маҳсулотлари (Fe, Pb, Si, Al, Sn, Cu, Cr, ва Na) кескин камаяди, бу айниқса автомобиллар 10 000 км йўл босгандан сўнг намоён бўлади.


Бундан ташқари, биз ИЁД деталларининг едирилиш маҳсулоти концентрациясини тадқиқ қилдик. Двигателнинг ишқаланувчи қисмлари едирилиши натижасида мойловчи мойда турли аралашмалар (темир, мис, кўрғошин, қалайи) тўпланади, улар концентрациясининг ўзгариши нафақат умумий едирилишни, балки ишқаланувчи жуфтликларнинг ҳолатини тавсифлайди. Деталларнинг едирилиши қанчалик жадал бўлса, мойда едирилиш элементлари концентрацияси шунча юқори бўлади (4-жадвалга қаранг).

Умумий ҳолда, ички ёнув двигателининг ўтиш жараёни унинг ишлашининг юкланиш ва тезлик режимларининг ўзгариши билан боғлиқ. Ўтиш жараёни мотор мойларининг сифати муҳим рол ўйнайди. ЁММ сифати ёмонлашиши билан (2, 3 расм) тўлиқ бўлмаган плёнка ҳосил бўлади, бу эса ишқаланиш юзаларининг едирилишига олиб келади. Натижада, двигательнинг эскириши интенсивлиги оширадиган едирилиш маҳсулотлари (зарралар) пайдо бўлади.






**2-расм. Двигатель мойнинг ковушқоқлик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар солиштирмаси**



**3-расм. Двигатель мойнинг ишқорийлик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар солиштирмаси**



**4-расм. Двигатель мойнинг кислоталар сони ўзгаришлар солиштирмаси**


Компрессион ҳалқаси ва цилиндр юзаси орасидаги бўшлиққа кирадиган заррачанинг ўзаро таъсир механизми, хусусиятлари бўйича ҳаракатланувчи-стационар тизимига ўхшаш, яъни ҳаракатланувчи юза (компрессион ҳалқа) ва ҳаракатсиз сирт (цилиндр) физик-кимёвий хоссалари ва микрогеометрия (ғадир-будирлик) характеристикалари бўйича ўхшаш бўлиб, ҳаракатланувчи юза-едирилиш маҳсулоти-қўзғалмас юза тизими кўринишида ифодалаймиз.

**4-жадвал. Автомобиль босиб ўтган йўлга боғлиқ ҳолда мойдаги (қўшимчасиз) едирилиш маҳсулотлари миқдори**

Автомобиль босиб ўтган йўл, км	Элементлар концентрацияси, г/т							
	Fe	Pb	Si	Al	Sn	Cu	Cr	Na
2000	0.0014	0.0065	0.0170	0.0005	0.0009	0.0007	0.0028	0.0001
4000	0.0015	0.0070	0.0780	0.0005	0.0010	0.0007	0.0030	0.0001
6000	0.0018	0.0080	0.0190	0.0005	0.0013	0.0007	0.0035	0.0002
8000	0.0018	0.0090	0.0190	0.0005	0.0013	0.0008	0.0035	0.0002

10000	0.0020	0.0100	0.0190	0.0008	0.0013	0.0008	0.0035	0.0003
12000	0.0025	0.0120	0.0190	0.0008	0.0014	0.0009	0.0035	0.0003
14000	0.0030	0.0135	0.0192	0.0099	0.0014	0.0009	0.0040	0.0003
15000	0.0040	0.0143	0.0194	0.0012	0.0014	0.0009	0.0040	0.0004


Зарра учун маълум бўлган икки радиус модели олинган. Бунда ёйлардан бири  $\rho$  контакт радиуси ва ҳажмли радиусни  $R$  билан ифодаланган. Ҳаракат юзаси  $v$  тезликка эгадир (6-расм). Заррачанинг бўйлама ўқи тезлик йўналиши  $v$  билан ҳосил қилган бурчак  $\varphi$  билан белгиланган.



a)

b)

**5-расм. Овал заррачанинг ишқаланиш юзалари билан ўзаро таъсири а) цилиндрнинг кесма кўриниши б) заррачанинг 1) цилиндр ва 2) сиқиш ҳалқаси билан ўзаро таъсири, таъсир қилувчи кучлар шакли.**



**6-расм. Ҳаракатсиз юза (1 цилиндр) – заррача-ҳаракатланувчи юза (сиқиш ҳалқаси)**

Қуйидаги тенгламалар ишлаб чиқилган заррачани ишқаланиш юзаларига ботиб қолишини акс эттирувчи модел асосида олинган

$$\left\{ \begin{aligned} \left( f_1 - \frac{f_{r1}}{R} \right) \cos \alpha_1 + \left( f_2 - \frac{f_{r2}}{R+\rho} \right) \left( \frac{\rho}{R} \cos \alpha_2 + \sin \varphi \right) + \tan \alpha_2 \sin \varphi - \cos \varphi &\leq 0 \\ (f_1 - f_2) + (\tan \alpha_1 - \tan \alpha_2) &> 0 \end{aligned} \right. \quad (1)$$

$$\left\{ \begin{aligned} \left( f_1 - \frac{f_{r1}}{R} \right) \cos \alpha_1 + \left( f_2 - \frac{f_{r2}}{R+\rho} \right) \left( \frac{\rho}{R} \cos \alpha_2 + \sin \varphi \right) + \tan \alpha_2 \sin \varphi - \cos \varphi &\leq 0 \\ (f_1 - f_2) + (\tan \alpha_1 - \tan \alpha_2) &< 0 \end{aligned} \right. \quad (2)$$

$$\begin{aligned} &\left( f_1 - \frac{f_{r1}}{R} \right) \cos \alpha_1 + \left( f_2 - \frac{f_{r2}}{R+\rho} \right) \left( \frac{\rho}{R} \cos \alpha_2 + \sin \varphi \right) - \\ &\quad - \sin \alpha_1 - \frac{\rho}{R} \sin \alpha_2 - \cos \varphi > 0 \end{aligned} \quad (3)$$

$$\begin{cases} \left( f_1 - \frac{fr_1}{R} \right) + \left( f_2 - \frac{fr_2}{R+\rho} \right) \left( \frac{\rho}{R} + \sin \varphi \right) - \cos \varphi \leq 0 \\ (f_1 - f_2) > 0 \end{cases} \quad (4)$$

$$\begin{cases} \left( f_1 - \frac{fr_1}{R} \right) + \left( f_2 - \frac{fr_2}{R+\rho} \right) \left( \frac{\rho}{R} + \sin \varphi \right) - \cos \varphi \leq 0 \\ (f_1 - f_2) < 0 \end{cases} \quad (5)$$

$$\left( f_1 - \frac{fr_1}{R} \right) + \left( f_2 - \frac{fr_2}{R+\rho} \right) \left( \frac{\rho}{R} + \sin \varphi \right) - \cos \varphi > 0 \quad (6)$$

$$f = \frac{\tau_0}{c\sigma_s} + \beta + 0,44 \sqrt{\frac{h_d}{R_{BH}}} \quad (7)$$

$\frac{\tau_0}{c\sigma_s} + \beta$  – ишқаланиш коэффициентининг ёпишқоқ таркибий қисми бўлиб, а величина  $0,44 \sqrt{\frac{h_d}{R_{BH}}}$  – катталиги эса унинг деформация компоненти.


Двигатель мойининг ёпишқоқлигига қараб, пьезокоэффициент  $\beta = 0,02 \div 0,15$  қийсатларга эга бўлади, ёпишқоқлик қанчалик юқори бўлса, пьезокоэффициент ҳам шунчалик юқори бўлади. Ишқаланишда мой бўлса ёпишқоқ таркибий қисмини нолга тенг деб қабул қилиш мумкин ( $\tau_0 \approx 0$ ,  $\beta \approx 0$ ), шунда формула (6)ни бу кўринишда ифодалаш мумкин:

$$f = 0,44 \sqrt{\frac{h_d}{R_{BH}}} \quad (8)$$


Едирилишда  $5 \div 10 \cdot 10^{-3}$  мм ва  $10 \div 15 \cdot 10^{-3}$  мм ўлчамдаги зарралар иштирок этади, ўртача катталиқда  $7,5 \cdot 10^{-3}$  мм и  $12,5 \cdot 10^{-3}$  мм бўлади. Кўп ҳолларда ўртача ўлчами  $7,5 \cdot 10^{-3}$  мм бўлган заррачалар иштирок этишини қабул қиламиз. Абразив заррачалар сонини куйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$n_a = 6.369 \cdot 10^{-2} \frac{G_0 \cdot K_e}{d_a^3 \cdot \gamma_a \cdot n \cdot i} \cdot \delta \quad (9)$$

$K_e=0.82$ ,  $G_0=1 \cdot 10^{-3}$  кг,  $\delta=0.00013$ ,  $\gamma_a=2.65 \cdot 10^3$ ,  $n=1800$ ,  $i=1$ . Формула (9) ўрнига кўямиз:




**7-расм. Экспериментально едирилиш маҳсулотларини ортиб боришини автомобилнинг босиб ўтган масофага нисбатан солиштириш**



**8-расм. Едирилиш маҳсулотларининг зарралар сонига нисбати**

Қўшимчали мойда Fe миқдори 10 000 км йўл босилганидан сўнг 2,5-5 мартагача камаяди. Шу тариқа, қўлланиладиган микробларга қарши қўшимчалар (айниқса дихлор-нафтохинон) мотор мойининг иш тавсифларини сақлаб қолиш ва двигатель деталларининг едирилишини камайтиришга ёрдам беради.



### 9-расм. Едирилиш маҳсулотларининг экспериментал ва назарий солиштирма графиги

Графикдан кўриниб турибдики, тажриба маълумотлари ва математик модель ёрдамида олинган маълумотлар мос келади. Тажриба ва назарий маълумотлар ўртасидаги фарқ тахминан 9 % ташкил этди. Бу назарий ҳисоб-китобларнинг жуда тўғри эканлигини кўрсатади.

Мотор мойи экспериментал синовларининг қиёсий маълумотлари дихлор-нафтохинон бирикмасини микробларга қарши қўшимча сифатида тавсия этиш имконини беради. Кўрсатилган бирикманинг самарали концентрацияси 0,01 масс % ни ташкил этиши аниқланган. Қўшимчанинг таннархи паст (1 кг 67 000 сўм), катта миқдорларда ишлаб чиқарилади. У мойнинг физик-кимёвий ва ишлатиш хоссаларининг салбий ўзгаришларини келтириб чиқармайди. Захарли эмас, микробиологик оксидланиш жараёнларини кескин тўхтатади ва унинг хизмат муддатини анча ошириш имконини беради, шунингдек двигатель деталларининг едирилиш жадаллигини пасайтиради, яъни ушбу қўшимчани кўп функцияли деб ҳисоблаш мумкин.

